

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕТРУХИНА НАТАЛЬЯ МИХАЙЛОВНА

**Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ ИЖОДИ XX АСР ЖАҲОН
АДАБИЁТИ КОНТЕКСТИДА**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Докторлик(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Петрухина Наталья Михайловна

Ф. М. Достоевский ижоди XX аср жаҳон адабиёти контекстида 3

Петрухина Наталья Михайловна

Творчество Ф. М. Достоевского в контексте мировой литературы XX века 29

Petrukhina Natalya Mikhailovna

The F. M. Dostoevsky's creative work in the context of world literature of XX century 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕТРУХИНА НАТАЛЬЯ МИХАЙЛОВНА

**Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ ИЖОДИ XX АСР ЖАҲОН
АДАБИЁТИ КОНТЕКСТИДА**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.Fil109 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Назаров Бахтиёр Аминович
филология фанлари доктори, академик

Юсупов Тойир Жаббарович
филология фанлари доктори, профессор

Пардаева Зулфия Джураевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ да мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21;

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

К.П.Садыков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замоनावий дунё адабиётшунослигида глобал маданий ўзгаришлар натижасида нафақат мумтоз адабиётни идентификация қилиш ва талқин этиш жараёнлари, балки бадиий адабиёт таҳлиliga бўлган ёндашувларнинг ҳам трансформацияси содир бўлмоқда. Бир томондан, ўтмиш адабий меросининг дунёқараш ва эстетик константаларини қайта англашга бўлган уринишлар билан боғлиқ компаративистик жиҳатлар, иккинчи томондан, интертекстуал рецептив шаклларни алоҳида таъкидловчи мумтоз бадиий тизим призмасида ҳозирги адабий жараёни талқин этиш ва баҳолашнинг янги методологик тизимларини шакллантирувчи илмий-тадқиқот йўналишлари янада долзарб ва истиқболли бўлиб бормоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида Ф.Достоевский ижоди илмий-гуманитар парадигма доирасида долзарб ва зарур бўлишда давом этибгина қолмай, адабий, фалсафий, психологик, маданий каби талқинлар ранг-баранглигини намоён этувчи янги маънолар билан бойиб бормоқда. Ёзувчи ижодининг XX аср жаҳон адабий жараёнида намоён бўлишининг рецептив жиҳатларини тадқиқ этишда нафақат соф матний адабий коммуникациялар, балки парадигмалараро интерматнлар таҳлилининг кенг маданиятлараро жиҳатини аниқлаш ўзини оқламоқда. Ф.Достоевский ижоди миллий чегаралардан чиқиб кетиб, XX аср жаҳон бадиий тафаккури, айниқса унинг аксиологик ва дунёқараш унсурлари ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳозирда ўзбек адабиётшунослигида жаҳонда тан олинган ёрқин ёзувчи-концентрларнинг ижодини илмий тадқиқ қилиш долзарблашмоқда. Ушбу илмий тадқиқот доирасида Ф.Достоевский ижоди, ёзувчи бадиий фалсафасининг XX аср рус, Ғарбий Европа ва ўзбек адабий тизимлари билан ҳар томонлама муносабатларини белгилашга ҳаракат қилинди. XX аср жаҳон адабий жараёни учун бу ёзувчи ижодини кодли-шартли кашф этиш, унинг «ахлоқий талаблари» ниҳоятда долзарблик касб этади. Бу иждокор мумтоз адабиёт билан интертекстуал «диалог» тизимида концептуаллаштирган XX аср жаҳон адабий жараёни учун Ф.Достоевский ижоди ниҳоятда муҳим эканлигини белгилаб беради. Бу эса ёзувчининг интертекстуал, бадиий ўзлаштириш ва фанлараро тадқиқотларнинг замоनावий усулларини яратишда асос бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги қарори ҳамда шу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига боғликлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.»Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йуллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.¹ Ф.Достоевский ижодини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, International Dostoevsky Society (IDS)) (Австралия, Бразилия, Великобритания, Венгрия, Испания, Италия, Янги Зеландия, Польша, Россия, Скандинавия, США, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония и Япония), Deutsche Dostojewskij-Gesellschaft (Германия), University of Toronto (Канада), Christiaan Stange's Dostoevsky Research Station (США), North American Dostoevsky Society (Канада, Мексика ва АҚШда), Boston University (США), Charles University in Prague (Чехия), Ф. Достоевский ҳаёти ва ижодини ўрганишга ёрдам бериш жамғармаси (Россия), Рус адабиёти институти (Пушкин уйи) РАН (Россия), В. И. Вернадский номидаги Таврия миллий университети (Украина), Омск давлат университети қошидаги Ф.Достоевский ижодини ўрганиш маркази (Россия), Петрозавод давлат университети (Россия), Томск давлат миллий тадқиқот университети (Россия), П.Г.Демидов номидаги Ярослав давлат университети (Россия), Бошқирд давлат педагогика университети (Россия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослиги тизимидаги рус мумтоз адабиётининг намояндаларидан бири Ф.Достоевский ижодини ўрганишга йўналтирилган тадқиқот натижаларига кўра, бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий ютуқларга эришилган: достоевскийшунослик методологик мактабларида: ёзувчи ижодининг психологик ва психоаналитик ёндашувлари таҳлили амалга оширилган (Торонто университети, Канада), адиб ижодининг Америка танқидида ўрганилиши ёритилган (Кристиан Стейнджнинг илмий-тадқиқот марказларида, АҚШ); Ф.Достоевский ғояларининг Хитойда идрок қилиш хусусиятлари асосланган (Россия халқлар дўстлиги университети, Россия); Ф.Достоевский ижодининг диний-фалсафий аспекти асосланган, ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўрганишга ёрдам бериш жамғармасида мумтоз адабий анъаналарнинг ўзаро таъсир босқичлари ўрганилган (Рус адабиёти институти, Пушкин уйи, Россия); 19-20 асрлар чегарасида Сибирь ва Россия маданиятига Достоевский ижодининг таъсири, поэтикасининг хусусиятлари, стилистикаси очиб берилган (Омск давлат университети қошидаги Ф.Достоевский ижодини ўрганиш маркази, Россия).

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг таҳлили сайтлар асосида амалга оширилди: www.dostoevsky.org, www.dostojewskij-gesellschaft.de, www.kiosek.com/dostoevsky, www.bu.edu, www.cuni.cz, www.dostoevsky-fund.ru, www.tnu.edu.ua, www.omsu.ru, www.tsu.ru, www.uniyar.ac.ru, www.bashedu.ru, www.pushkinskiydom.ru, www.utoronto.ca, www.rudn.ru.

Жаҳон адабиётшунослигида Ф.Достоевский ҳаёти ва ижодини комплекс ўрганиш соҳасида, жумладан, қуйидаги устувор йўналишлар бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда: Ф.Достоевский ва асарлар чегарасида адабий жараёни ўрганиш, XX асрда унинг ғоялари ва ижодкорнинг бадиий кашфиётларини очиқ бериш, адиб ўрнини миллий маданият ва адабиётшуносликларда тадқиқ этиш, ёзувчи ижодининг ҳаётни қурувчи пафосини англаш ва асарларининг универсал-бирлаштирувчи табиатини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида Ф.Достоевский ижодини ўрганиш ва тушуниш билан боғлиқ илмий изланишларни шартли равишда учта йўналишга бўлиш мумкин: Достоевский ижодини кенг миқёсда ўрганиш. Бу тарих, адабиёт ва поэтика бўлиб, Р.Поддубная, Г.Зябрева, Н.Колосова ишлари; Достоевский асарларига мифологик ёндашув М.Блюменкранц, А.Холодов, Л.Остапенко ва ёзувчи ижодини ўрганишда компаратив йўналиш – Л.Хваль, Ю.Романов, М.Калиниченко ва бошқалар.

Ўзбек адабиётшунослигида ўзбек адабий жараёнини жаҳон адабиётининг контекстуал майдони ракурси кесимларида ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бу «Ўзига хос адабиётлараро умумийликлар –5. Диониз Дюришин ва жамоа» номли жамоавий иш бўлиб, унда адабиётнинг амал қилиш назарияси ва амалиёти адабиётлараро умумийликнинг ўзига хос типлари тизимида тадқиқ этилган². Жамоавий иш доирасида келтирилган Д. Дюришиннинг «алоҳида адабиётдан – адабиётларолик сари» концепцияси моҳиятан маҳаллий адабиётшуносликдаги компаратив тадқиқотларнинг янги босқичини кашф этди. Шу маънода ўзбек адабиётшуносларининг ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларда умуман, адабиётлар ўзаро алоқасининг назарий ва амалий жиҳатлари ва хусусан, жаҳон адабий жараёнининг динамик макромайдонида ўзбек адабиётининг яшаш хусусиятлари белгиланган. Масалан, П.М. Мирза-Ахмедова муҳаррирлигидаги жамоавий тўпламда ва М.О.Шарафутдинова муҳаррирлигидаги жамоавий монографияда ўз ифодасини топган.³

Филология фанлари доктори А.Н. Давшаннинг илмий монографиялари мамлакатимиз адабиётшунослигида муҳим илмий тадқиқот бўлган. Унда ижодкор шахс бадиий тизимини тадқиқ этиш ракурси сифатида жаҳон адабиёти контекстуал майдонининг назарий ва методологик концепциялари берилган. «XX аср рус адабиётида Осиё» монографиясида тадқиқотчи контекстуал майдонни яратишнинг тамомила янги кўринишини илгари сурадики, бу шарқ мавзуси ва муаммоси бўлиб, унда XX аср рус ва шарқ адабий манзаралари ўзаро кесишуви миқёслари даражаларининг таҳлили

²Особые межлитературные общности–5. Диониз Дюришин и коллектив».Т.: ЎзР ФА «Фан», 1993.

³Қаранг: Мирза-Ахмедова П.М. Мумтоз ва ҳозирги адабиёт ўзаро таъсир нуқтаи назаридан. Т.: Akademiya, 2008; Шарафутдинова М.О., Саидов А.Х., Мирза-Ахмедова П.М. Бадиий ва танкидий тафаккур миллий ва жаҳон анъанаси контекстида. Жамоавий монография Т.: ЎзР ФА «Фан», 2009;

тизими келтирилган.⁴ «Творчество Михаила Пришвина в контексте мировой литературы» номли иккинчи монографияда А.Н.Давшан XX аср рус ёзувчиси М.Пришвин ижодини тизимли ва муаммоли тадқиқ қилиш учун жаҳон адабиётининг контекстуал майдонини тузади.⁵

Ф. М. Достоевский ижодини ўрганиш бўйича берилган объектив баҳо XX аср рус, Ғарбий Европа ва ўзбек адабий жараёни контекстида рецептив эстетика тараққиёти ўзанида ушбу ёзувчи ижодини ўрганишнинг зарурлиги ҳақида ҳулоса қилишга олиб келади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг устувор лойиҳалари, хусусан, рус адабиёти ва ўқитиш методикаси кафедрасининг «Замонавий филологиянинг долзарб муаммолари: тарих, назария, истиқболлар» режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Достоевский ижодининг эстетик ва бадиий-фалсафий концептлари рецептив тизими ягона концептуал йўлларини тадқиқ қилиш ва XX аср жаҳон адабий жараёни шаклланишига ушбу ёзувчи бадиий тизимининг аҳамияти, қонуниятларининг таъсири, роли ва аҳамиятини белгилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Достоевский бадиий ижодининг тараққиётидаги ички мантиқий қонуниятларни ва этик-фалсафий ва бадиий-эстетик сатҳларнинг ўзаро алоқасини белгиловчи муаллифлик «ахлоқий талаблари»ни тизимга солиш;

Достоевскийнинг асосий ижодий концепциялари (диний-фалсафий, барокко, романтик, реалистик) шаклланиши асосларини аниқлаш;

Достоевский ижодидаги концептуал доминанталар – «олам ва исёнкор шахс концепцияси»ни аниқлаш;

бадиий ва маданий-фалсафий рецепциянинг кўпвариатив шакллари тизимида Достоевский ижодий мероси ҳамда XX аср жаҳон адабий жараёнининг диалектик бирлигини таҳлил қилиш;

XX аср жаҳон адабиёти рецептив майдони тизимида Достоевскийнинг макон-вақт жиҳатидан («чегаравий» хронотоп) моделлаштиришининг ва Достоевский поэтикасига хос «карнаваллашиш»нинг тавсифий ўзига хослигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Достоевский ижодининг XX аср жаҳон адабий жараёни реалиялари билан солиштириш борасидаги ички ва контекстуал қонуниятлари, шунингдек, ёзувчи бадиий онгининг замонавий ёзувчилар бадиий онги тузилишига бўлган таъсирининг ички қонуниятлари олинган.

⁴Давшан А. Н. «Азия в русской литературе XX века». Т.: Mumtoz so'z, 2011.

⁵Давшан А.Н. «Творчество Михаила Пришвина в контексте мировой литературы». Т.: Mumtoz so'z, 2011. Г.К. Шченниковнинг «Достоевский ва рус реализми». Свердловск, 1987.

Тадқиқотнинг предмети XX аср жаҳон адабий жараёнига бўлган таъсири нуқтаи назаридан Достоевскийнинг бадиий-фалсафий ва эстетик категориялари, образлари, ғоялари, «ахлоқий талаблар» концепциялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусининг ёритилишида тарихий-функционал усул тамойиллари, рецептив эстетика йўсинида структур-типологик, интертекстуал ва би-интертекстуал таҳлил, адабий компаративистиканинг айрим усуллари, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, қиёсий-генетик таҳлиллар, адабий герменевтика тамойиллари ҳамда мотивли таҳлил усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Достоевский ижодига методологик ёндашув тизимли равишда Достоевский ижодига хос дунёқараш (ахлоқий, диний-фалсафий, тарихий, ижтимоий) ва эстетик (сўз ижодкорлиги эстетикаси маъносида) аспектларни рецептив эстетика ракурсида кенг миқёсда таҳлил қилишнинг синтетик тизими шакллантирилган;

«адабиётлараро» рецептив майдон шаклланиши исботланиб, «умумий типологик қатор»⁶нинг учта асосий чизиғи аниқланди: Ф. Достоевский ва рус адабиёти, Ф. Достоевский ва Ғарбий Европа экзистенциал анъанаси ҳамда Ф. Достоевский ва XX аср ўзбек романчилиги кабиларни очиб беришга имкон берган;

Ф.Достоевскийнинг «исёнкор шахс» концепти доирасида марказлашган «ахлоқий талаблар» координаталарини тизимлаштириш ва контекстуал таҳлил қилиш тизими жараёнида «Ғарб-Россия-Шарқ» ментал учлиги типологияси тадқиқ этилган;

илк бор роман матнининг ҳам жанрий, ҳам структур координаталарини тизимлаштириш контекстида Достоевскийнинг «кўп оҳангли» романи ва XX аср ўзбек романчилик анъанасининг мотивлари кўриб чиқилган;

Достоевский асарларининг кўп қатламли бадиий таҳлили, шунингдек, XX асрнинг бир қатор ёзувчиларининг нафақат тўғридан-тўғри компаратив мувофиқлиги тизимида, балки қиёсий, типологик, анъана даражасида тўғридан-тўғри ва яширин иқтибос олиш, дунёқарашга оид бадиий ўзлаштириш, маданий-фалсафий тизимида қайта кодлаштириш тақдим қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Достоевский ижодини XX аср жаҳон адабий жараёни контекстида фундаментал ўрганишга бўлган илмий-тадқиқ муносабати асосланган;

одам ва олам концепцияси Достоевский ижодининг бош мақсади бўлиб, «ахлоқий талаблар» рецептив майдонининг XX аср адабиёти учун шаклланиши исботланган. Бу эса Достоевский ижодини ўзбек ва жаҳон адабий жараёни контекстида ўрганишга бўлган адабий ёндашувни бойитилган.

⁶Қаранг: Неупокоева И.Г. О понятии общего типологического ряда//Контекст - 1974. - М.: Наука, 1975. - С.169.

Достоевский ижоди жаҳон адабий жараёни ривожланишида «Ғарб-Россия-Шарқ» тизимидаги бадиий-фалсафий ва адабий-эстетик тенденцияларни белгилаб берган. Бу миллий адабиётни умумжаҳон адабиётининг ажралмас қисми деб ҳисоблашга олиб келган.

Диссертациядаги Достоевский рецептив эстетикасини таҳлил қилишга методологик ёндашув ёзувчи ижодининг XX аср ўзбек адабиётидаги таъсирини очиб берган. Бу жиҳатдан, Ғарбий Европа экзистенциал анъаналари билан тўлиғича мос келган (У.Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» романи) ва ўзбек адабиётшунослигининг назарий манбасини бойитган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар қиёсий-чоғиштирма, контекстуал-ситуатив ва адабиётшунослик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, республика ва халқаро миқёсидаги илмий нашриётларда чоп этилган мақолаларда келтирилган назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у рецептив эстетика назарияси ва амалиётида янги йўналишни тақдим қилди. У Достоевскийнинг контекстуал майдонини XX аср жаҳон адабиёти асарлари билан би-интертекстуал ўзаро таъсирини ўрганиш асоси сифатида намоён бўлди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, замонавий адабиётшуносликда «ёзувчи – адабий жараён» тамойилига кўра қиёсий ўрганиш методологиясини шакллантириш, XX аср жаҳон адабий жараёни муаммоси ва рецептив таҳлил методологиясига кўра қатор тарихий-адабий категорияларни назарийлаштириш имконини берди. Шунингдек, диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар жаҳон адабиётшунослиги, жумладан ўзбек адабиётшунослиги учун назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши асосида:

Ф.Достоевский ижодини ўрганиш республиканинг таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб дастурига киритилган ва ёзувчи ижодини бадиий таҳлил қилиш ва «Бечора кишилар» романнинг таҳлили натижалари таълим рус тилида олиб бориладиган 9-синфларнинг «Адабиёт» дарсликларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21 ноябрь № 548-сон Дастурига асосан амалга оширилган ва Халқ таълими вазирлигининг 30 ноябрь 2017 йилдаги № 01/11-01/07-1735-сон рақамли хати). Натижада, мактабларда адабиётни ўқитишнинг илмий-методик базаси даражаси кўтарилган;

Ф.Достоевский ижодинининг рецептив эстетикаси ҳақидаги хулосалар «Рус адабиёти ва маданияти чексиз: тараққиёт истиқболлари» номли халқаро лойиҳанинг жорий қилиниши доирасида фойдаланилган (Россотрудничествонинг 2017 йил 11 ноябрдаги 01/11-01/02-87-сон маълумотномаси).

Натижада Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Инновацион-корпоратив ҳамкорлик доирасида илмий ва маданий соҳаларда Ф.Достоевский ижодининг ўқитиш усуллари такомиллашган;

Ф.Достоевский ижодинининг рецептив эстетикаси ҳақидаги хулосалар «Madaniyat va ma'rifat» каналида эфирга узатилган «Жаҳон адабиёти» кўрсатувини тайёрлашда қўлланган (Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifat» телеканалининг 2017 йил 21 декабрдаги № 02-15/889-сон маълумотномаси). Натижада телетомоша-бинларнинг бадиий адабиётни санъатнинг бир тури сифатида англаш қобилияти, бадиий-танқидий фикрлаш даражаси кўтарилган ва кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган, кўрсатув сценарийларининг илмий-манбавий савияси бойиган;

адиб ижодининг жаҳон миқёсида ўқитилиши ва ттадқиқ этиш бўйича олинган натижалардан «Рус адабиёти ва маданияти чексиз: таракқиёт истиқболлари» номли халқаро лойиҳа доирасида волонтерларга илмий асосланган туркум маърузалар ўқишда фойдаланилган (Россотрудничествонинг 2017 йил 11 ноябрдаги 01/11-01/02-87-сон маълумотномаси). Натижада Россотрудничество фан ва маданий маркази тингловчилари Ф.Достоевский ижодининг бугунги кундаги ўрганилиш йўналишлари ва кам ўрганилган қирраларини яхшироқ тушунишларига хизмат қилган;

Ф.Достоевский ижоди бўйича илмий-бадиий ва публицистик асарлар Л.Толстой номидаги АРМ фойдаланувчилари ва илмий ходимлар учун каталогизация тизимига киритилган (Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги Ўрта махсус профессионал таълим маркази Информацион ресурс марказининг тадқиқот жорийланиши тўғрисидаги акти 2018 йил 18 январдаги № 01-18/055-сон маълумотномаси). Натижада Ф.Достоевский ижодини ўзбек ёзувчиларининг ижоди билан солиштирма контекстда илмий-тадқиқот олиб борувчиларнинг изланиш олиб бориши бўйича фойдалилиги ошиб борди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 26 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 7 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиянинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола республика, жумладан, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва тадқиқот ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 231 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жаҳон адабий анъанаси шаклланишининг Ф.Достоевский бадиий тизими призмасидаги динамикаси»** деб номланган биринчи боби Ф.Достоевский ижоди ва жаҳон адабий анъанасининг умумий рецептив майдонини яратишнинг ўзига хослигини ёритишга бағишланган бўлиб, унда маданиятлараро алоқалар ва «маданиятлар диалогининг умумий ва хусусий муаммолари контекстидаги барча мумкин бўлган контакт-генетик ва типологик алоқа шакллари таҳлил қилинади, рецептив эстетика масалалари ҳамда Ф.Достоевский контекстуал би-интертекстуал ижод майдонининг XX асрнинг «реалистик анъана», «карнавализация», «кўп оҳангли хронотоп», «ғоявий роман» каби асосий константалари тизимида шаклланиши таҳлил қилинган. Бобда, шунингдек, ҳам Ф.Достоевскийнинг муаллифлик концепциясини, ҳам XX аср жаҳон адабиёти «ворисийлик фонди»ни озиклантирувчи ва шакллантирувчи, Ф.Достоевский ҳамда мумтоз рус бадиияти адабий анъаналарининг ўзаро таъсир даражаси таҳлил қилинган.

Ф.Достоевский маданий даври XIX аср охири - XX аср бошлари рус адабиёти маданий давридан аллақачон кечиб, бугунги кунда бутун XX аср жаҳон адабиётини қамраб олгани таъкидланади. Жаҳон адабий жараёни тизимидаги энг парадоксал компаратив тадқиқотлар адабиётлараро коммуникацияларнинг турли даражаси билан изоҳланади. Бугун замонавий адабиётшуносликда Ф.Достоевский бадиий тизими ҳамда миллий «адабиётлараро умумийликлар» ўзаро кесишув нуқталари «генетик алоқалар» ва «типологик умумийликлар»нинг мумтоз чизмасини аниқлашга бўлган уринишлар билан эмас (Д.Дюришин назарисига Дюришин назариясига кўра), балки XX аср маданий менталлиги миқёсидаги «қабул қилувчи» контекстнинг замонавий миметик ўзига хослиги – «қабул қилувчи онг» билан белгиланади.

Ф. Достоевский ижодиёти нафақат миллий адабий жараён (бизнинг мисолимизда – рус адабиёти), балки бутун жаҳон адабиёти учун аҳамиятли бўлган ёзувчилар сирасига кирадиган ижодкор, унинг ижоди тадқиқот диахронияси ва синхрониясидан холи, зеро замонавий адабий компаративистиканинг долзарб муаммоларидан бири – адабиётлараро контекстда, ва ундан ҳам кенгроқ миқёсда эса – жаҳон маданияти аспектида жаҳон адабий жараёни генезиси ва моҳиятини аниқлашда адабий шахслар

(Ф.Достоевский) ролини англаш ва «миллатларо», «худудий», «зонал» парадигмалар политизимида ёзувчи бадий оламида типологик ҳолатлар (тасодиф, яқинлик, бирлашиш, алоқа, тақлид, параллел, нисбат, таъсир, ўзаро алоқа, алоқа, фарқ ва ҳ.к.) масалаларининг замонавий ҳолатини аниқлаш имконини беради. Достоевский ижодини жаҳон адабий жараёнининг кўпмиқёсли тизимида ўрганиш «Россия-Шарқ-Европа-Ғарб» (адабиётлараро жараённинг шарқий-ғарбий-европа-славян шакллари) тизими координаталарида кенг кўламли ўзаро алоқалар генезиси ва мантиғини аниқлаш имконини беради. Буларнинг бари жаҳон адабий жараёнини тадқиқ этишда Достоевский бадий тизимининг методологик аҳамияти ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Бобда ёзувчининг «олий даражадаги реализм»ни шакллантирувчи реалистик анъана соҳалари кўриб чиқилади ҳамда XIX ва XX асрларда шаклланган ва бўлғуси реалистик жаҳон тизими ривож учун негиз сифатида узатилган етакчи тенденциялар миқёслари аниқланган.

Ф.Достоевский ижодий меросининг йўналишларини кўриб чиқаётиб, адабиётшунослар танқидий реализмни концептуаллаштиради, аммо сўнги кунларда йўналиш сифатида аҳамиятли бўлган барокко ёхуд ҳатто экзистенциал тенденциялар ҳақида сўз юритиш урф бўлган. Икки аср – XIX ва XX асрлар мобайнида рус реалистик анъанаси шаклланиши ривожланиши генезисииккита даврий реалистик парадигма ўртасидаги ўзига хос медиатор (воситачи) ролини бажарган Ф.Достоевский номи билан бевосита боғлиқ. Бир томондан, Ф.Достоевский ўз ижодида мумтоз танқидий реализм анъаналарини мужассам этиб, ривожлантиргани таъкидланса, иккинчи томондан – унинг XX аср рус адабиётида «бўлиниб кетиши»⁷ учун дунёқараш ва умуман олганда эстетик асос бўлди вазу билан реалистик «ворисийлик фонди»ни таъминлади, В.Хализев⁸ фикрига кўра у адабий тадрижнинг энг муҳим шартини саналади.

Таъкидлаш жоизки, Ф.Достоевскийнинг «инсон ичидаги инсон»нинг бадий талқинидаги психологик мураккаблик ва турфалик кўп жиҳатдан қаҳрамонлари «ички олами»нинг чуқур кўп қатламлигида яширинганки, у инсон ва унинг борлиғи моҳиятининг муаллифлик кўпмаънолилиги билан детерминациялашган. «Борлик» реалист Ф.Достоевскийда ҳам «воқелик» шакли, ҳам инсон онги ифодаси сифатида намоён бўлади, яъни унинг «ички олами» моҳиятан ҳам мумтоз реализм ва бадийликнинг экзистенциал константаларини синтезловчи тушунчага айланади.

Ф.Достоевский ижодида биз экстенционал (матннинг ривожланиб бориш шаклига кўра «мен оламдаман» тушунчаси мос келади) ва интенционал («тушдаги олам») трансформацияларнинг мураккаб ўзаро алоқасини аниқладик. Матннинг бу каби ривожланиш шакли портрет, пейзаж, нарсалар олами унсурлари қаҳрамонларнинг сюжетли тарихида, баён турида бирламчи

⁷См. подробнее: Теория литературы. Том IV. Литературный процесс. - М.: ИМЛИ РАН, «Наследие», 2001. - С.40-47.

⁸Хализев В.Е. Теория литературы. - М., 1999. - С.357.

экзистенционал функцияни ҳосил қиладиган психологик жараёнларни қайта яратишда бажарадиган функцияда ўзини намоён этади, мотивлар қаторини онтологик қаторлар, объектив жанрли қонунлар ва бадий тафаккур тамойиллари билан белгилайди. Бу категориялардан фойдаланиш Ф.Достоевский ижодида айрим бадий ментал моделлар: хронотоп, архетип, рамз; турли-туман маданий, фалсафий, диний, мифологик, экзистенциал ва бошқа контекстларни ифодаловчи тушунчалар: тақдир, бахт, йўл, шароб, азоб-укубат ва ҳ.к. ни ифодаловчи ўзига хос эмоционал тўйинган маром етакчилигини белгилаш имконини беради.

Бўлимда Ф.Достоевский, Н.Гоголь, А.Чеховларнинг реалистик концепциялари ўртасидаги рецептив уйғунликлар таҳлил қилинади. Айнан А.Чехов «анъанага кўра» Ф. Достоевский томонидан концептуаллаштирилган рус танқидий реализмининг мумтоз кўринишини тугатиши қайд этилади. Учинчи параграфда рус «карнавал» маданияти контекстида «кулги анъанаси» шаклланиши масалалари тадқиқ этилади, М.Бахтин концепцияси етакчи «карнавализация» назарияси сифатида белгиланади, шунингдек, параграфда Ф.Достоевский ижодида «карнавал» мазмуни «рамзи» бўлмиш «демона» образларини тизимлаштиришга ҳаракат қилинди.

Параграфда Ф.Достоевскийнинг «карнавал макони» шахс концепти – телбалик ва масҳарабозликка нисбат бериладиган қаҳрамонларининг типологик қатори тизимлаштирилади. Достоевский ижодидаги телбаларнинг келтирилган типологик қатори нафақат телбалик қадимги рус феноменининг бадий ифодасининг кўп қирралигини намоён этади, балки ёзувчи идеали – христианликни Инсонга бўлган муҳаббат ва дунёга бўлган ҳамдардлик – ижоди асосини ташкил этувчи ва «ички одам»ни муаллиф сифатида тушунишга имкон берувчи муаммолар сифатида тушунишга етаклайди.

Ишда биз М.Бахтин концепциясига таянамиз, у жаҳон «кулгу» маданиятида «карнавал» анъанасининг умумий илдизларини аниқлайди.

М.Бахтин шундай ёзади: «Ички инсон– соф «табий» субъективлик ҳам фақат масҳарабоз ва телба образлари ёрдамидагина очиб берилиши мумкин, зеро унинг учун оқилона, бевосита (амалдаги ҳаётнуқтаи назаридан мажозий эмас) ҳаётий шакли топа олишмаган...»⁹

Ушбу параграфда Ф.Достоевский ва Н.Гоголь ижодида комиклик типологияси таҳлил қилинди ва рецептив муқобилликлар аниқланди. Ёзувчи учун қаҳрамон «юзи»ни танлаб олиш жудда мураккаб жараён, зеро бу образнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки унинг феъл-атворини ташкил этувчи муҳим унсур ҳамдир. Агарда Ф.Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар» ва Н.Гоголнинг «Ўлик жонлар» романлари образларининг типологик умумийликларини кузатсак, иккала қаҳрамонга хос муштараклик кўзга ташланади – бу яшаб ўтилган ҳаётнинг аҳамияти ва тўғрилиги асоси

⁹Бахтин М. М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. Введение (Постановка проблемы)// Бахтин М. М. Литературно-критические статьи. – М.: Худ.литература, 1986. – С.198 - 199.

сифатидаги ҳаёт давомида орттириш ва жамғариш хусусияти. Бу умумийлик ёрқин комикли асосга эга.

«XX аср рус адабий жараёни контекстидаги Ф.Достоевский ижодидаги олам ва инсон ахлоқий-маданий талқинининг бадиий талқини» деб номланган 2-боб Ф.Достоевский анъанаси рецептив таъсирининг бевосита шакллари, хусусан – чегаравий хронотоп, ижтимоий-психологик роман шакллари, XX аср рус адиблари ижодий тизимидаги «исён» ва «исёнкор шахс» каби «этик императив»нинг асосий константаларини ўрганишга бағишланган.

Биринчи параграфда Ф.Достоевский хронотопик моделининг экзистенциалист М.Хайдеггернинг «вақт макони» назариясига мувофиқ М.Булгаковнинг «тўртинчи макон» шакли ривожига таъсирининг ўзига хослиги таҳлил қилинади.

Ф.Достоевский ва М.Булгаковдаги вақт ва макон муаллифлик моделлаштириш жиҳатидан фарқ қилса-да, маълум типологик яқинлик касб этади, биз уни тўртинчи «ўлчам» сифатида белгиладик. Бадиий хронотопнинг бу янги сифати нафақат вақт ва маконнинг ягона образга бирлашуви (М. Бахтин назариясига кўра), балки оддий маиший тушуниш – ҳаёт макони ва ҳаёт вақти соҳасининг кенгайиши билан характерланади. Ф.Достоевскийда ҳам, М.Булгаковда ҳам макон ва вақт ҳажмдор (тўрт ўлчамли) бўлиб, ҳам ягона нуктага туташиб, ҳам чексизликка қадар кенгайиб қобилятига эга. Ф.Достоевский ва М.Булгаков ижодида маънолар талқинларининг чексиз имконияти нафақат «услубий-композицион сурат», балки ёзувчи асарларининг бутун матний маконини тўлалигича белгилайдиган ўша ўзига хос хронотоп сифати ҳисобига эришилади. Ф.Достоевскийдаги «юқори реализм»нинг бу сифатини М.Бахтин сўнгги қарор бўсағасидаги, инқироз оғирлиги ва тугалланмаган ва олдиндан билиб бўлмайдиган қалб бурилиши олдида турган инсонни тасвирлашнинг бош предмети сифатида белгилади»¹⁰.

Ёзувчининг романий макони ҳам метафорик-хронотопик жиҳатдан, ҳам ахлоқий-фалсафий жиҳатдан, инсон шахсияти сирларини илғаш тўғрисидаги муаллифлик ғояси контекстида ҳам маълум қиймат касб этади, барча субъект овозлар-онгларнинг тенг иштироки (М.Бахтин концепциясига кўра) тамойилига кўра тузилади. Ф.Достоевский қаҳрамоннинг маконда мўлжал олишининг маълум шакли сифатида ишлай бошлайдиган вақт ҳаёлийлиги ҳисобига маконий қатламларни кенгайтиради. Ф.Достоевский учун маълум маконий ёхуд вақт локаликлар (уй, кўча, оқшом, кун, қарилик ва ҳ.к.) эмас, балки қаҳрамонни реал оламга/дан мажозийлиги билан вақт ва маконнинг фаркланмаслиги билан аҳамиятли бўлган маълум илоҳийлашган оламга киритадиган ва ундан чиқарадиган маълум концепт-образлар аҳамият касб этади. Шу тариқа, «юқори/паст», «очиқлик/ёпиқлик» тушунчалари бу концептларнинг белгили кўрсаткичларига айланади. Ақл бовар қилмайди,

¹⁰Бахтин М. М. Проблемы поэтики Достоевского. – М., 1979. – С.71.

аммо Ф.Достоевскийнинг бу тизимида вақтгўёки маконда эриб кетади ва расман уни тўлдиради, аммо мазмунан унинг ўрнини босади. Масалан, оқшом кун қисми сифатида англамай кўяди, у энди умидсизлик маконининг белгили маконий функциясини бажаради. Шу тариқа вақт ва маконнинг концептуал образлари «ҳиссий мушоҳаданинг априор шакллари» (И.Кант) концептлари билан муносабатда бўлади, бу эса бадиий хроногеометрияни мажозий-рамзий образлар тизимида таҳлил этиш имконини беради. Ф.Достоевский учун «ичимизда мавжуд реаллик» образи бадиий ўзлаштиришдаги макон ва замоннинг концептуал «ҳиссий шакли»га айланади, бу эса Ф.Достоевский хронотопининг экзистенциал белгиллиги ҳақида сўз юритиш имконини беради. Ёзувчи учун бутун ташқи макон-вақт моҳиятан моддийлашган ички «сезим» шаклини белгилайди. Ф.Достоевский асосан инқироз, катарсис, бурилиш ҳолатдаги қаҳрамонларни тадқиқ этгани учун, етакчи хроногеометрик бадиий вақт-макон модели сифатида «ўтиш», «йўл» (зина, чорраҳа, муюлиш, боши берк кўча) маъносидаги бадиий образ-концептларда ифодаланган чегара хронотопи намоён бўлади.

Агар Ф.Достоевский ва М.Булгаковларнинг маконий концепцияларини энг аҳамиятли– метафизик (бу материя, нарсалардан аввалги бирламчи феномен сифатидаги макон) ва физик (ҳажмига кўра олам, универсумга тенг макон ёки учта одатий ўлчам) маконий шакллар тизимида солиштирсак, тескари кўриниш аниқ намоён бўлади: Ф.Достоевскийда олам физик маконининг шаклан ифодаланган модели метафизик макон («инсон ичидаги инсон»нинг илоҳий олами)нинг бадиий моделига тенглашган, М.Булгаковда метафизик маконнинг шаклан ифодаланган модели реал борлиқ-олам физик макони бадиий моделига тенглашган. Агар Ф. Достоевский кўпроқ «ички инсон»сирлари ва унинг антропологик белгили бадиий хронотопига киришга ҳаракат қилган бўлса, М.Булгаков инсон оламининг онтологик константаларига кўпроқ эътибор қаратади, унинг мазмун ва моҳиятига кириб боради. Аммо иккала ёзувчи ҳам тенг даражада инсон ҳаёти сирини фош этиш мақсадини олдига кўяди.

Иккинчи параграфда Ф.Достоевский ва М.Зошченко ижодининг рецептив тажриба алмашинуви тадқиқ этилади. XX асрнинг мураккаб ва қарама-қарши тарихий-адабий жараёнида комиклик олам ва одамни билишнинг универсал усулидек алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди. Танқидчилар у «тафаккур ва борлиқ ўртасидаги муносабатларни актуаллаштириши»ни қайд этишади.

Учинчи параграфда Ф.Достоевский ижтимоий-психологик романининг XX аср ўрталари – иккинчи ярми тарихий насри ривожига бўлган таъсирининг таҳлили келтирилган. XX аср рус адабиётининг кўзга кўринган хусусиятларидан бири – доимий равишда, баъзан сусайган, баъзан 60-70-йиллардагидек портловчи тарзда тарихий мавзуга, Россия халқлари тарихий тақдирларида чуқур из қолдирган ўтмиш воқеа ва ҳодисаларига мурожаат этилишидир. Умуман олганда, бу хусусият XX аср ўзбек адабиётида ҳам

кузатилади - С.Айний, Ойбек, Я.Илёсов, П.Қодировларнинг асарлари бунинг ёрқин далилидир.

Ф.Достоевский ижоди ХХ аср рус адабиёти ривожига ва айниқса роман жанри тадрижга катта таъсир кўрсатгани қайд этилди. М. Бахтин томонидан кашф этилган полифоник роман концепцияси Энгельгардтнинг ғоявий романи назарияси билан уйғунликда Ф.Достоевскийнинг бадиий романий тизим доирасида бугун ХХ аср романини, масалан, совет адабиётшунослигидаги аънаналардан фарқ қилувчи тамомила янги нуқтаи назардан талқин этиш имконини беради. ХХ аср «рус тарихий романи» каби мураккаб жанрий тизим, Ф.Достоевский романлари ахлоқий-фалсафий ва ижтимоий-этик маданий кодлари контекстида тамомила янги талқинда идрок этилади, ваҳоланки унинг ижодида бирорта соф тарихий романнинг ўзи йўқ. Бугунги кунда биз учун совет адабиётшунослиги диққат марказида бўлган ва замонавий адабиётда деярли тилга олинмаётган ХХ аср рус романи қатлами – яъни ХХ аср 50-60-йиллардаги народоволецлар ҳақидаги тарихий романни адабиётшунослик таҳлилининг янги нуқтаи назарларидан, тарихий шахс роли ва мақомининг янги идеологик баҳоси жиҳатидан кўриб чиқиш айниқса долзарб ва муҳим саналади.

Қотилликни ахлоқий-этик асослаш мавзуси шахс ҳуқуқининг азалий муаммоларидан бири – бир инсоннинг бошқа инсон ҳаётини ҳал қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқи билан бевосита туташиб кетади. Рус адабиётида мазкур муаммо доимо ёзувчиларни жалб этган ва турлича ҳал этилган. Ф.Достоевский ижодида бу шунчаки «Жиноят ва жазо» романи муаммоси эмас, балки ўзининг эҳтимолий талқинлари тизимида Шахс ахлоқининг асосий муаммоларини мужассам этгучи қандайдир ғоявий доминанта. ХХ рус романида бу муаммо турлича ҳал этилган, аммо бадиий турланишнинг энг ноёб шаклига у тарихий романда, хусусан, народоволецлар тўғрисидаги 50-60-йиллар рус романида эга бўлди. Ю.Давидов, Ю.Трифонов, В.Савченко ва тарихий романчиликнинг шу йўналишидаги бошқа ёзувчилари Шахс ва унинг дунёдаги ролига доир тарихий-софистик муаммо билан «Юқори инсон» муаммосининг «экзистенционал» муаммо билан кесишган нуқтасига ўз эътиборларини қаратишди, бу муаммони, масалан, Ф.Достоевский «сўроқ» - «мен қалтираб турувчи мавжудотманми ёхуд ҳақим борми» экзистенционал-ахлоқий биноми тизимида ҳал этади.

ХХ рус тарихий прозасида у ёки бу шаклда Ф. Достоевский меросига мурожаатни намойиш этувчи асарларни яратиш тенденцияси пайдо бўлди. Рецепт усул Ф.Достоевский рецепциясини кўриб чиқишда энг оқилона усул саналади. Рецептнинг асосий турларига қуйидагилар киради: аниқлаштириш, реконструкция, талқин, коммуникатив диалог, пародияли ўйин, хат-мутолаа, герменевтик таҳлил. Интертекстуалликнинг турли кўринишларидан фойдаланилади, уларнинг асосий шаклларига қуйидагилар киради: ҳавола, аллюзия, реминисценция, парафраз. Рецепт иккита

кўринишда намоён бўлади: маданий-фалсафий ва бадий. Бадий рецепция доирасида бевосита ва билвосита турларини ажратиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи бобда Ф.Достоевский ижодининг йўналиш сифатида рус адабий постмодернизми билан солиштирилиши мумкин бўлган маданий-фалсафий, ижтимоий-маданий ва бадий рецепциялар медиатори сифатидаги функционал роли белгиланган.

Рус адабий постмодернизмида Ф.Достоевский ижодига бўлган ўзгача қизиқишнинг фаоллашуви кузатилмоқда, зеро у рус мумтоз анъаналарини ўзида мужассам этиб, Ф.Достоевский меросига мурожаатни намоёйиш этади, мумтоз асарлар билан «эстетик» ўйинлар учун яхшигина замин яратиб беради. Рецептив усул матннинг соф эстетик структур моделлари тизимида ҳам, дунёқараш миқёсида ҳам Достоевский ижоди билан рецептив «ўйин» қилишнинг турли шакллари аниқлаш имконини беради. Бунда ҳавола, аллюзия, паратекстуаллик, метатекстуаллик, пастиш, пародиявий ўйин, изоҳлаш эстетикаси кабилар кўпроқ қўлланади.

Рецептив таҳлил учун танлаб олинган асарлар – В.Пьецухнинг «Янги Москва фалсафаси» романи, В. Маканиннинг «Андеграунд ёхуд замонамиз қахрамони», Д.Галковскийнинг «Охири йўқ берк йўл», рецепциянинг сюжетли ўйинли рецепция (В.Пьецух «Янги Москва фалсафаси»), «кичкина/ортиқча одам» мумтоз реалистик турлари трансформацияси миқёсидаги образли-ғоявий рецепция (В.Маканин «Андеграунд ёхуд замонамиз қахрамони»), маданий-фалсафий ва эстетик рецепция интерференцияси (Д.Галковский «Охири йўқ берк йўл») каби етакчи шакллари кузатиш имконини беради.

Тадқиқотда рецептив таҳлил миқёсида учала асар типологик концепцияси аниқланган – юқорида келтирилган рецепция шакллари шаклан етакчилик қилишида матннинг барча йўналишларида умумий рецептив майдон шаклланиши кузатилади.

«Ф. Достоевский XX аср экзистенциал Ғарбий Европа анъанаси контекстида» номли учинчи бобда Ф.Достоевский оламни англаши ва ижодини бадий онгнинг экзистенциал тури билан солиштириш тўғрисидаги адабий қарашларнинг дунёқараш ва эстетик асосланганлиги масалаларини тадқиқ этиш имконияти тўғрисидаги масала қўйилади ва ҳал этилади.

Биринчи параграфда Ф.Достоевский ижодидаги экзистенциал мотивлар (айниқса, ўлим, айб)ни Ғарбий Европа экзистенциализми каби анъанавий экзистенциал тизимларда ҳам солиштиришнинг ўзига хослиги белгиланган. «Чегаравийлик» тушунчаси Ф.Достоевский тизими билан экзистенциал анъанани солиштириш имконини берадиган «экзистенциал» маънодаги концептуал аҳамиятли константа сифатида намоён бўлиши таъкидланади.

«Оламдаги адолатсизлик билан зарарланиш»ни нафақат Ф.Достоевский шахсий дунёқарашининг ўзига хос белгиси сифатида, балки муаллиф ва

